

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ДОНОЛИК” СЎЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Наргиза Абдурасуловна МАМАДАЛИЕВА

Ўқитувчи

Филология фанлари номзоди

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Наманган, Ўзбекистон

nrgzmdlv@gmail.com

Аннотация

Мақолада лингвокултурология ва когнитив лингвистиканинг замонавий тилшуносликдаги муҳим ўрни кўрсатилган. Концепт таҳлилига алоҳида эътибор қаратилиб, *Донолик/Wisdom* фрагментларининг ўзбек ва инглиз тилларида лексик-семантик ифодаси ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, ислом ва насронийлик динларида *донолик*нинг аҳамияти ўрганилган.

Калит сўзлар: тилшунослик; лингвокултурология; концепт; маданият; миллат; донолик.

ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВЫРАЖЕНИЯ ЗНАЧЕНИЯ МУДРОСТИ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

Наргиза Абдурасуловна МАМАДАЛИЕВА

Преподаватель

Кандидат филологических наук

Наманганский инженерно-строительный институт

Наманган, Узбекистан

nrgzmdlv@gmail.com

Аннотация

В статье подчеркивается важность лингвокультурологии и когнитивной лингвистики в современной лингвистике. Особое внимание уделяется анализу понятий, лексико-семантическому выражению фрагментов *Мудрость / Wisdom* на узбекском и английском языках.

Ключевые слова: лингвистика; концепт; культура; нация; лингвокультурология мудрость.

LEXICO-SEMANTIC FEATURES OF EXPRESSING THE MEANING OF WISDOM IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Nargiza Abdurasulovna MAMADALIYEVA

Philological sciences

Namangan Building-Engineering Institute,

Namangan, Uzbekistan

Abstract

The article highlights the importance of lingvoculturology and cognitive linguistics in modern linguistics. Particular attention is given to concept analysis, lexical-semantic expression of Донолик / Wisdom fragments in Uzbek and English languages.

Keywords: linguistics; lingvoculturology; concept; culture; nation; wisdom.

Ҳозирги замон тилшунослигининг жуда тез суръатларда ривожланиб бораётган ва тадқиқотчиларнинг эътиборини тортаётган йўналишларидан бири когнитив тилшунослиқдир. Шундан келиб чиқиб, тўлалигича қабул қилинадиган ва шубҳасиз тан олинадиган фактлардан бири шуки, тил инсониятнинг яшаш тарзи (илм, ландшафт, кундалик ҳаёт ва ҳоказо) ва хусусиятларини акс эттирадиган манбадир. Замонавий инсон онгида икки хил тарихий анъана яшайди. Улар башариятнинг қадриятлари, тасавури, ва идеалларини акс эттирувчи бўлиб, инсоният ҳаёти давомида қабул қилганидек намоён бўлади ва инсон онгининг ядросини ташкил қилади, чунки, айнан мана шу ядро сўзлашиш орқали сингдириладиган тилнинг концептуал манзарасидир.

Рус ва инглиз тилларининг концептуал манзарасида донолик феноменининг бирламчи белгиси мос тушади, улар инсоннинг ақлий фаолияти билан боғлиқ бўлса, ўзбек тилида ҳам худди шу сифатни беришимиз мумкин. Л. Н. Горянованинг фикрига кўра, атроф-муҳитнинг турли ҳодисалари ҳақида билим олар экан, инсон доноликка эришади. Донишмандлик эса ақлий фаолият ҳодисасидир. Донолик концептининг иккала тилдаги ривожини ҳам у ҳақидаги тасавурдан яъни бирламчи тушунчадан чекинишга олиб келмади, балки ривожланишига хизмат қилди. Ўзбек тилидаги донолик концепти ҳам ўз маъносида қолди.

Концептларнинг образли хусусиятлари бевосита метафораларда учрашини таҳлил қилиш учун *pearl of wisdom* ва *доно маслаҳат* фразеологик бирликларининг маъноларини кўриб чиқамиз.

1. *Pearl of wisdom* – ақлли маслаҳат, баъзида киноя билан қўлланилади.

The old woman shared her pearls of wisdom with the struggling teen, in the hopes of making him feel better. Thanks for the pearl of wisdom, buddy, but your suggestion is ridiculous.

2. Доно маслаҳат – ақлли, ибратли, маслаҳат. Бундай ҳолатда ҳам киноя усулида қўллаш мумкин. *Вакилнинг қисқа ва доно маслаҳатидан таъсирланиб ўтирган Элмурод қўлини кўтарди* (П. Турсун).

Қийматли хусусият деганда муайян бир концепт билан боғлиқ қўлга киритиладиган бойлик, хазинани тушуниш мумкин:

He also possesses the wisdom.

Китоб ўқиб ўқтам доноликка эришди.

Баҳоловчи хусусият *Донолик* ва *Wisdom* концептлари қайси тилга тегишли бўлса, ўша тилда сўзлашувчи халқнинг умумий хусусиятини акс эттириши мумкин. Концептларнинг мотиватив белгилари айнан бир бирига мос тушсада, баҳоловчи хусусиятдан келиб чиқиб биз айнан бир ситуациядан икки тил доирасида мазмунан икки хил нарсани тушунишимиз мумкин.

Рамзий хусусият деганда, концептлар асосида тушунилиши мумкин бўлган бирор афсона ва ҳикоялар бўлса, инглизлар учун *witty owl* донишмандлик маъносини англатади. Бойқуш ноаниқ рамзидир. Бу донишмандлик қушидир, лекин зулмат ва ўлимнинг ҳам рамзидир. Афина маъбудасининг сифати ҳисобланиб, бойқуш доноликни, билимни англатади. Бойқушлар кечалари кўра олиши, атрофдаги нарсаларни ўрнидан қимирламай, фақатгина бошини буриш орқали кузатиши, уларда зийрак ва ўткир кўз ва қараш борлигидандир. Афина афсоналари ва аънаналаридан келиб чиқиб, Европа эртак ва масалларида ва китоблар устида кўзойнак билан ўтирган бойқуш доноликнинг рамзи ҳисобланади (3).

Ҳаттоки бой ўғлининг донолиги ҳақида халқ орасида тўртлик ҳам мавжуд.

A wise old owl sat in an oak,

The more he saw, the less he spoke,

The less he spoke, the more he heard,

Productioneer, be like that bird.

Бундан ташқари, символик хусусиятни ўзида акс эттирувчи инглиз халқига тегишли бўлган *доно Эйнштейн* фразеологизми ҳақида гапирадиган бўлсак, донолик рамзи Эйнштейннинг юқори ақлий салоҳиятга эга бўлганлигидан ва илмда кўплаб ютуқларга эга эканлигидан келиб чиқади. Бундай мисолни ўзбек халқида *Луқмони Ҳаким* бирикмаси шаклида учратиш мумкин. Луқмони Ҳакимнинг келиб чиқиши эса бизда ислом дини билан боғланиб кетади. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда ҳам номи келтирилган Луқмон, жуда доно ва ақл заковат эгаси бўлган ва бу билим донолик унга Аллоҳ томонида берилган бир инъом деб қаралган. Демак, ўзбекларда Луқмони Ҳаким ҳам дунё ҳам дин илмида юқори заковат эгаси деган маънодан донолик рамзида келадиган бирикмадир.

Манбаларда келтирилган аниқ маълумотларга асосланиб ўзбек ва инглиз тилида сўзлашувчиларнинг донолик фрагменти ҳақидаги аниқ тасаввурни яратиш мумкин. Қуръони Каримда ҳикмат сўзи “ал-ҳикма”дан олинган

бўлиб, *донолик* деган маънони билдиради ва у ўзида исломий қонун қоидаларни ўзида акс эттирувчи бир фрагмент ҳисобланади. Бу қонун қоидаларга дунёнинг пайдо бўлишидан тортиб то нима қачон яратилгани, исломий нуқтаи назардан мен кимман? Яшашдан мақсад нима? Қаердан яралганмиз ва борар жойимиз қаер? Ҳаётда бизни тўғри йўлни танлаб керакли пайтда тўғри хулоса чиқара олишимизга нима сабаб ва бу нимага олиб боради? Тақдир нима? Қадар нима? Ва умуман олганда инсониятнинг ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари тағ замирини тушуна олиш нимага олиб бориши, ҳақиқатга етишиш нималиги билиш ҳақидаги илмларнинг умумлашмаси деб ҳисобласак бўлади. Ушбу илмларни эса мусулмон олами муқаддас китоби Қуръони Каримдан топамиз. Унинг ҳаётга татбиғини эса пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳадисларида тушунтириб берилади. Қуръон ва ҳадисларга биноан иш кўриш ва ҳаёт кечириш эса мусулмончиликда ҳақиқий донолик деб юритилади.

Донолик мусулмонларда юқоридан бериладиган бир ҳидоят деб қаралади. Муқаддас Қуръони Карим Бақара сурасининг 269-оятда “*У ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (фойдали илм) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олурлар*”. Бу ҳақида яна бир оятни келтиришимиз мумкин “... *Аллоҳ сизларга Китоб ва Ҳикматни нозил қилди ва билмаганларингизни билдирди. Аллоҳнинг сизга фазли буюкдир*” (Нисо сураси 113), “*Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик...*” (Луқмон сураси 12). Ушбу оятларда келтирилган ҳикмат ва донолик концептлари бир асосга эга бўлиб, диний томондан камолотга, яъни донолик ва ақлий томондан етукликка эришган шахсгина дунёда кўп яхшиликларга эришади, яъни дунё илмида ҳам мукамалликка эришиб ҳақиқатга етишади демакдир. Насронийликда эса донолик инсониятда қисман туғма қобилиятдан, қисман тажрибадан келиб чиқади, лекин доимий равишда Худо томонидан берилади (4). “*Чунки у донолик ва кучга эга. У вақтларни ва йилларни ўзгартиради, шоҳларни ер билан яқсон қилади ва юқорига кўтаради. У донишмандларга донолик ва ақл-идрок беради*” (2, 21). Масиҳийларда ҳам донолик авваламбор Худо томонидан берилган бир инъом деб қаралади. Бу нуқтаи назардан ҳам *Донолик/Wisdom* концептларида ўхшашликни кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб *Донолик/Wisdom* концептлари инглиз ва ўзбек тилларида киёсий таҳлили орқали уларнинг ўхшаш жиҳатларини ҳам аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Горянова Л. Н. Структуры концептов Мудрость и Wisdom и способы объективации их признаков в русской и английской языковых картинах мира. Автореферат. – Кемерово, 2012.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З. М. Магруфов нашри остида. – Москва: Русский язык, 1981.
3. <https://www.newacropol.ru/Alexandria/symbols/owl/>
4. http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_bible/2751/Му-дрость